
Ўзбекистон туманидаги 36 та маҳаллаларда сайёр тартибда давлат хизматлари кўрсатилди

Ўзбекистон туманидаги 36 та маҳалла фуқаролар йиғинлари бўйлаб "мобил" автобус ҳамда махсус жиҳозланган автомашиналарда аҳолига сайёр давлат хизматлари кўрсатилди.



Сайёр тадбирлар давомида 212 нафар аҳолига зарур бўлган СТИР, наркология диспансери ҳисобида турмаслик, судланмаганлик ҳақидаги маълумотномалар, кадастр хужжатларини тайёрлаш, МТТ ларга фарзандни навбатга қўйиш каби 30 дан ортиқ масалалар бўйича сайёр хизматлар кўрсатилди.

40 дан ортиқ фуқароларга илк тадбиркорлик фаолиятини бошлашда ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.



Маҳаллабай, уйма-уй юриш мобайнида аҳолининг давлат хизматлари ва ФХДЁ хизматлари юзасидан мавжуд муаммо ва таклифлари ўрганилди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-02-13 17:15:22